



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 4/2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 4/2

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 4/2



ТОШКЕНТ-2026

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ермегов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Аҳмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллажаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқулловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Рахбархон Муртазаева ЭЛЕМЕНТЫ МУЛЬТИКУЛЬТУРАЛИЗМА В ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКЕ УЗБЕКИСТАНА: НОРМЫ, ИНСТИТУТЫ И ПРАКТИКИ.....	5
2. Боходир Эшов, Гайбулла Уралов ИЗ ИСТОРИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ВОЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ДИНАСТИИ МАНГЫТОВ.....	14
3. Nilufar Djurayeva XOTIN-QIZLAR TASHKILOTLARINING SHAKLLANISH TARIXI VA ILMIY-NAZARIY ASOSLARI.....	21
4. Бекзод Пайзуллаев ОСНОВНЫЕ ТОРГОВЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ МЕЖДУ БУХАРСКИМ ЭМИРАТОМ И КОКАНДСКИМ ХАНСТВОМ.....	44
5. Farhod Usmanov O‘ZBEKISTONDA BOLALAR QAROVSIZLIGINI BARTARAF ETISHDA BOLALAR UYLARINING AHAMIYATI.....	53
6. Baxtiyor Xudoyberdiyev MALLAXON DAVRIDA QO‘QON XONLIGI VA BUXORO AMIRLIGI O‘RTASIDAGI MUNOSABATLAR.....	60
7. Azamat Abduraxmonov SURXONDARYODA MADANIY MEROS YODGORLIKLARINI ILMIY TADQIQ ETISHNING ASOSIY YO‘NALISHLARI: TARIXIY TAHLIL (XIX asrning ikkinchi yarmidan - hozirgi kungacha).....	65
8. Фаррух Акчаев ЎЗБЕКОНА МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ТАРБИЯ УСУЛЛАРИНИНГ МАРОСИМЛАРДА АКС ЭТИШИ.....	72
9. Shuxrat Bozorov ALEKSANDR BYORNSNING BUXORO AMIRLIGIDAGI DIPLOMATIK VA JOSUSLIK MISSIYASI: GEOSIYOSIY MAQSADLAR VA TARIXIY TAHLIL (1832-yil).....	81
10. Татьяна Дорошенко ФОРМИРОВАНИЕ АРМИИ В.АНДЕРСА В УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ.....	87
11. Наим Обломуратов СОҲИБҚИРОН МЕРОСИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРИХИЙ ТАФАККУР.....	96
12. Nargiza Choriyeva SAMARQAND VILOYATINING TURIZM SALOHİYATI VA UNI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI.....	104



Фаррух Шавкатович Акчаев,
Жиззах давлат педагогика
университети биринчи проректори, тарих
фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
e-mail. akchayev_1984@inbox.ru

ЎЗБЕКОНА МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ТАРБИЯ УСУЛЛАРИНИНГ МАРОСИМЛАРДА АКС ЭТИШИ

For citation: Farrukh Sh. Akchayev. REPRESENTATION OF UZBEK NATIONAL AND RELIGIOUS EDUCATIONAL PRACTICES IN RITUALS. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 4/2.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.19846406>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбекона миллий ва диний тарбия усулларининг маросимларда намоён бўлиш хусусиятлари илмий таҳлил қилинган бўлиб, хусусан, тўй, аза ва бошқа ижтимоий маросимларда миллий қадриятлар, урф-одатлар ҳамда диний меъёрларнинг тарбиявий аҳамияти ёритилган. Шунингдек, мақолада маросимлар орқали ёш авлодга маънавий-ахлоқий қадриятларни сингдириш, миллий ўзликни англаш ва ижтимоий хулқ-атворни шакллантириш жараёнлари ҳамда глобаллашув шароитида анъанавий тарбия усулларининг ўзгариши ва уларни сақлаб қолиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: миллий тарбия, диний тарбия, маросимлар, урф-одатлар, маънавий қадриятлар, анъаналар, тарбиявий жараён, миллий ўзлик, глобаллашув, ижтимоий хулқ.

Акчаев Фаррух Шавкатович,
первый проректор Джизакского государственного
педагогического университета,
доктор философии по истории, доцент.

ОТРАЖЕНИЕ МЕТОДОВ НАЦИОНАЛЬНОГО И РЕЛИГИОЗНОГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА В ЦЕРЕМОНИЯХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье с научной точки зрения проанализированы особенности проявления узбекских национальных и религиозных методов воспитания в обрядах. В частности, раскрыта воспитательная значимость национальных ценностей, традиций и религиозных норм в свадебных, траурных и других общественных обрядах. Также в статье рассматриваются процессы формирования духовно-нравственных ценностей у молодого поколения, развития национальной идентичности и социального поведения посредством

обрядов, а также уделено особое внимание изменениям традиционных методов воспитания в условиях глобализации и вопросам их сохранения.

Ключевые слова: национальное воспитание, религиозное воспитание, обряды, традиции, духовные ценности, обычаи, воспитательный процесс, национальная идентичность, глобализация, социальное поведение.

Farrukh Sh. Akchayev,

First Vice-Rector of Jizzakh State Pedagogical University,
Doctor of Philosophy in History,
Associate Professor

REPRESENTATION OF UZBEK NATIONAL AND RELIGIOUS EDUCATIONAL PRACTICES IN RITUALS

ABSTRACT

This article provides a scientific analysis of the features of the manifestation of Uzbek national and religious educational methods in rituals. In particular, it highlights the educational significance of national values, traditions, and religious norms in wedding, funeral, and other social ceremonies. The study also examines the processes of instilling spiritual and moral values in the younger generation, developing national identity, and shaping social behavior through rituals. Special attention is given to the transformation of traditional educational methods in the context of globalization and the issues of their preservation.

Index Terms: national education, religious education, rituals, traditions, spiritual values, customs, educational process, national identity, globalization, social behavior.

1. Долзарблиги:

Ўтган юз йиллик сўнгида юз берган сиёсий ўзгаришлар ҳамда давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва ахборот алмашувлар натижасида турли соҳаларни қоришуви, яхлитлашуви юз берди. Соҳаларни бир қолип ва қондалар асосида ишлаш принцига ўтиши натижасида давлатлар ёки айрим локал ҳудудлар миқёсида эмас, балки минтақалар ва керак бўлса қитъалар миқёсида умумий ривожланиш, тараққиёт пайдо бўлди. Илм-фанда қилинган кашфиётлар, иқтисодий ютуқларни тезда, кам фурсатда бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчириш, ҳудудлараро катта тафовутни қисқартириш имкони яратилди.

Бу эса инсонларнинг дунёқараши, яшаш тарзи ҳамда жараёнга бўлган муносабатида ҳам бирхиллашув юз берди. Шу каби жараёнларни ҳам соҳалар бўйича, ҳам ҳудудлараро оммалашиб бориши “глобаллашув” атамасини юзага келтирди дейиш мумкин. “Глобаллашув”ни давлатлар ва халқлар ҳаётининг барча соҳаларида ялпи умумлашув жараёни[18] сифатида талқин қиладган бўлсак, унинг таъсир доираси иқтисодий ёки сиёсий қамровдан чиқиб, инсонни онги, маънавияти ёки миллатнинг ўзлигини англашга таъсир ўтказиш даражасига етди.

XXI асрга келиб глобаллашув шундай зиддиятли воқеликка етиб келдики, унда бир томондан, халқлар, қитъалар, давлатлар ўртасидаги интеграцион алоқаларни кенгайтириш, ҳар бир ҳудудда эришилган ёки мавжуд тарихий-маданий ютуқларни оммалаштириш, умуминсоний миқёсда тарғиб этиш имконини бераётган бўлса, иккинчи томондан, миллий маданиятнинг сиқиб чиқарилиши, этномаданий тажрибаларни менсимаслик, ғайриинсоний ва ғайриахлоқий нарсаларни ёйишга ҳам сабаб бўлмоқда[17]. Мана шундай мураккаб бир даврда халқ миллий ўзлигини сақлаб қолиши, миллий дунёқарашни шакллантириш жараёни давлат сиёсати даражасидаги масалага айланиб қолди.

Чунки, бугунги кунда ҳеч бир халқ маданий тўқнашувлар ва замонавий ҳамда миллий кадрларнинг синовидан холи бўлмай қолди. Мана шу синовлардан ўтиш ҳамда келажакда миллат сифатида яшаб қолиш анъана ва маросимларда, оилавий муносабатларда ҳамда таълим жараёнида миллий тарбия хусусиятларини сақлаш ва унга амал қилувчи авлодни шакллантириш каби вазифаларни юклармоқда. Ушбу авлодни шакллантириш миллий тарбия

хусусиятларини сақлаб қолиш ва фарзандларга сингдириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ[1].

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Замонавий ўзбек жамиятида миллий ва диний анъаналарнинг ўзаро уйғунлиги масаласи долзарб ижтимоий-маданий муаммолардан бири сифатида илмий тадқиқотларда алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур муаммони тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар турли фан соҳалари — тарих, этнология, социология, дин тарихи ва исломшунослик доирасида шаклланган бўлиб, уларда анъаналарнинг ижтимоий институт сифатидаги ўрни, кадриятлар тизимидаги аҳамияти ҳамда жамият тараққиётидаги роли турлича ёндашувлар асосида ёритилган бўлиб улар қуйидаги тадқиқотларда ўз аксини топган:

Совет даврида яратилган адабиётларда[8] миллий ва диний анъаналарнинг мазмун моҳияти ҳамда халқ дунёқарашида ижтимоий турмуш тарзида тутган ўрни масалалари ёритилган.

Ушбу тадқиқотларда ўша давр сиёсатидан келиб чиққан ҳолда миллий кадриятлар ва кўпроқ диний анъаналарни бир ёқлама талқин қилиш, жамият тараққиётига салбий таъсир қилганлиги борасида қарашлар ҳам учрайди[5].

Ўзбекларнинг миллий ва диний анъаналарига бағишланган тадқиқотларнинг кўлами ва сони мустақиллик йилларида ошиб борди. Бу даврда яратилган тадқиқотлар ҳам мазмун жиҳатдан икки қисмга ажратилади: биринчиси[15]– мустақилликнинг илк 10 йиллигида яратилган тадқиқотлар бўлиб, бу босқичида масалага ва таҳлил қилинаётган жараёнга бўлган муносабат ўтган асрдаги қолип асосида бўлиб, анъаналарнинг мазмун моҳияти ва ижтимоий ҳаётда тутган ўрни каби жиҳатлар тавсифий характердалигича қолаверди. Иккинчиси: Сўнгги йигирма беш йилликда яратилган тадқиқотларда масала таҳлилий жиҳатдан ўрганилишга йўл очиб беради[4].

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекларнинг миллий минталитети ҳамда тарбия хусусиятларидан келиб чиқиб айтиш жоизки, болаларни тарбия қилиш ёки ўзбек миллий тарбия хусусияти, оилавий муносабатларда (ота-онани фарзандларни тарбиялаши) ҳамда жамоавий маросимларда кўзга ташланади. Глобаллашув жараёнида жамоавий маросимларни ўрни ва янги авлодни шакллантиришда бажарадиган вазифаси жамоавий тарбия усулларини ўзида сақлаб қолиш ва амалиётга татбиқ этишдан иборатдир.

Тарбияни услуби, йўналиши ва тадқиқот доирасидан келиб чиққан ҳолда турлича талқин қилиш мумкин. Унинг таърифи ва тавфиси миллатнинг бу борадаги қарашлари ҳисобига ҳам ранг-баранглик касб этади. “Тарбия” сўзи арабча парвариш қилмоқ, таълим бермоқ, ўргатиш, одоб ўргатиш ёки меҳрибонлик кўрсатиш: кўз-қулоқ бўлиш; ҳимоя қилиш каби мазмунларга эга[16]. Шунингдек, тарбия — шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий жараён[6]. Бундан кўринадики, тарбия шахсни камолотга етиши ва ўзи мансуб бўлган миллатнинг ахлоқий меъёрларини онгли тушуниб, унга амал қилишни бурчи, деб билиши ҳамда бу ҳислатларни келажакда авлодларга етказишни муҳим жиҳатлилигини англашга қаралатиган амалий ҳаракатлар мажмуидир.

Инсон тарбияси қийин, мураккаб, узоқ давом этади экан, уни хусусиятидан келиб чиққан ҳолда жисмоний ва маънавий, миллий ва диний, жинсга доир каби бир қанча турларга ажратиш мумкин. Аммо, мавзунини тадқиқи асосида айтиш мумкинки, тарбияни берувчи асосий маскан бу оила ҳисобланади. Оила болани ҳаётга тайёрлайдиган ва тўғри йўналиш берадиган ижтимоий объектдир.

Лекин ўзбекларнинг миллий хусусиятларидан келиб чиқиб айтиш жоизки, асосан жамоавий қоидалар ва тартиблар асосида яшовчи халқнинг турли маросимлар, йиғинлар ва ижтимоий муносабатлар орқали тарбия қилиш усуллари ҳам мавжуд бўлиб, у кўпроқ умумий назорат ва ўзаро ўрнатилган ҳамда кузатувга асосланган дейиш мумкин. Халқимизда азалдан

тарбия, айниқса, бола тарбияси нозик масала саналиб, у оилани, ота-онани жамиятдаги ўрнини белгилашга хизмат қилиб келган.

Боланинг тарбиясига асосан жамоавий маросимларда жамият томонидан баҳо берилади. Мана шу жиҳат учун ота она болани тарбиясига асдойидил киришадилар. Бу борада халқ нақллари, мақоллар ва ривоятлар яратилган бўлиб, уларнинг барчаси ота онани ўз фарзандини ёшлигидан тарбия беришига қаратилгани билан характерлидир. Айниқса ота она таълим-тарбия соҳасида фаолият юритса ёки халқ орасида обрўга эга шахслар бўлишса уларнинг фарзандларини тарбияси доим жамоа назоратида, диққат марказида турган ва бу бугун ҳам давом этмоқда.

Маросимлар ўзбекларнинг хаётида муҳим ўрин тутадиган амалиёт бўлиб, у характер жиҳатдан оилавий ва жамоавий турларга ажратилади. Оилавий маросимларга туғилган кун, оила аъзолари билан ўтказиладиган кичик йиғинлар ва бошқаларни келтириш мумкин. Жамоавий маросимлар эса йирик икки тармоқ: тўй ва мотам маросимларидан иборат. Оилавий маросимларга нисбатан жамоавий маросимлар тартиб-қоидаларнинг қатъийлиги, ижтимоий тенгликка амал қилиниши ҳамда кўламининг катталиги билан фарқ қилади. Бинобарин, ўзбек халқининг бола тарбияси анъаналаридан муҳим ўрин олган катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга меҳрибон бўлиш, ожизларнинг кўнглини олиш, қариндошларга меҳр оқибатли бўлиш руҳида фарзандларни тарбиялаш каби миллий анъаналар аслида ислом гоёси негизида шаклланган[19].

Шунингдек, ҳар бир халқнинг бошқасидан ажратиб турувчи муҳим этнографик белгиларидан бири унинг маросимлари хисобланади. Маросим инсон хаётида моддий ва маънавий талаб ва эҳтиёж орқали юзага келадиган ижтимоий ҳодисадир. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёти босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгиларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда вужудга келади ва яшайди[3]. Бошқача тарзда айтадиган бўлсак, маросим умум томонидан қабул қилинган рамзий ҳаракатларга эга бўлган хаётий тадбирдир.

Ўзбекларнинг жамоавий маросимларининг таснифи, юқорида айтганимиздек учта гуруҳга ажратилади: туғилиш, вояга етиш ҳамда маълум даражага кўтарилиши билан боғлиқ маросимлар- бешик тўй, суннат тўй, мучал, никоҳ тўйлари ва х.к. Бу маросимлар халқ орасида ижобий кайфиятни юзага келтирадиган, “яхши, ижобий маросим” сифатида талқин қилинади.

Иккинчиси эса инсонни вафоти билан боғлиқ маросимлар бўлиб, улар “салбий, айрилиқ келтирувчи маросимлар” дея талқин қилиш мумкин.

Учинчиси турдаги жамоавий маросимлар бу бевосита диний нуқтаи-назардан баҳоланадиган, маълум бир қариндош-уруғлар ёки қишлоқдошлар жамоасига оид бўлган Ақиқа, Курбонлик, авлодлар учрашуви ва пода қўшиш маросимларидир.

Ўтмишда ота-оналар болаларини 7-10 ёшдан бошлаб жамоа ишларига: хашар, тўй ва маъракаларда иштирок эттиришга интилишгани[7] ҳам бежис эмас. Ушбу маросимларда болаларга уларнинг ўзига мос ишлар, юмушлар белгиланади. Жумладан, (10 ёшдан катталарнинг вазифаси) маросимга қатнашувчи шахсларни хабардор қилиш, ташриф буюрувчиларга жой ҳозирлаш, хонадонни маросимга тайёрлашга кумклашиш, маросим иштирокчилари келгандан сўнг уларни қўлига сув қўйиш, таомларни ташиш, дастурхондан ортиқча нарсаларни олиш, керакли буюмларни етказиш ва бошқ. Ушбу маросимларда юмушини ўз вақтида, бекаму-кўст бажарган болаларни катталар томонидан алқаниши, мақтов айтилиши ҳам ўзбеклар тарбиясининг бир бўлаги бўлиб, бошқа тенгдошларига ҳам бу нарса таъсир қилган, улар ҳам мақтов олиш учун сидқидилдан меҳнат қилишга, ўзини кўрсатишга уринишган[9].

Бундай маросимларда қатнашиш орқали болаларга бир томондан меҳнат тарбияси берилса, бошқа томондан жамоага хос одоб ахлоқ қоидалари ўргатиб борилади. Шунингдек, уларда ўзаро ёрдам, ҳамдардлик, бағрикенглик хислати шаклланади. Бу каби хислатларни шаклланишида яна анъанавий жамоа тадбирлари -хашарлар ҳам катта роль ўйнаган[19].

Анъанага кўра 7 ёш ва ундан кичиклар эса маросимни алоҳида байрам сифатида ўтказишади. Улар бирорта юмуш билан банд бўлмасда, болалар билан ўйналадиган ўйинларни ижрочиси бўлиб, жараён қандай кетишини кузатишади ҳамда ушбу маросимлар ҳақида умумий тасаввур ҳосил бўлади. Шу сабабли ёши улуғ отахонлар ва онахонлар набираларини ўзлари билан маросимларга етаклаб олиб боришади[12].

Кузатишлар асосида айтиш мумкинки, ушбу маросимлар боалалар ўртасида жамиятга мослашиш, унинг нормалари, қоидалари, маданияти ва ижтимоий қимматлари билан танишиш ва уларни ўз ҳаётига интеграция қилиш ва албатта ижтимоийлашув жараёнига ҳам таъсир қилади. Боғчага борамаган, кўп қаватли уйларда яшоувчи болаларни ижтимоийлашувига, бошқалар билан чиқишиб кетишига мана шу маросимлар бевосита ва билвосита таъсир қилган. Аммо, масалани бошқа томонини ҳам айтиш жоизки, бугунги замонавий жамиятда маросимларни алоҳида ажратилган биноларда ўтказилиши ҳамда у ерда жойни санокли экани бу жараёнларга ўз таъсирини ўтказмоқда.

Шунингдек, ёшлар тарбиясига ва уларнинг хулқ-атворига мотам-таъзия маросимларида бажариладиган тартиб ва амал қилинадиган қоидалар тўй ва бошқа маросимларга нисбатан анча қаттиқ таъсир кўрсатган. Тўй –томошолар оиланинг каттаси, уруғнинг обрўли кишилари ҳамда маҳалла раисларининг маслаҳати билан ташкил қилинган ва ҳар бир оила имконияти, дунёқарашидан келиб чиқиб жараённи амалга оширган. Мотам маросимлари эса алоҳида белгиланган шахслар (мулла, гўрков, ювғувчи, аёлларнинг муллеси) томонидан маълум тартиб билан амалга оширилган. Шу сабабли бу маросимларнинг таъсир кучи ва тартиби алоҳидалик касб этади.

Бу маросимда ҳам болаларни ёшига қараб юмушлар белгиланган, мотамга қатнашиш ёши борасида ҳам халқ орасида норасмий тартиблар бўлиб, айрим жойларда вояга етганлар (16 ёшдан бошлаб) қатнашиши мумкин бўлса[10], бошқа ҳудудларда таҳорат олишни билганлар кичик ёшдагилар ҳам қатнашиши мумкин дейилади[11]. Лекин бу ердаги йиғи ва сулғин муҳит ёш болага ёмон таъсир қилмаслиги учун бегоналарни болалари эмас, марҳумни набиралари, кўни-кўшнининг болалари кўпроқ иштирок этишади.

Ушбу маросимларда ҳам тарбияни кўрсатадиган муҳим белгилар бор: аввало мос кийимда, таҳорат олган ҳолда бориш, маросим бўлаётган хонадонда баланд овозда сўзлашмаслик, кулгули, инсонни маҳзун қунида хурсанд бўладиган воқеликларни айтмаслик ва жараёнда иштирок этишда ўзини орқага ташламаслик муҳим саналади. Чунки тўй-тамошого инсон интилиб яшайди ва у жараёнда қатнашмаслик, бормаслик узрли саналади. Лекин мотам маросимларида ишдан, хизматдан қочиб қатнашмаслик ўзбеклар учун уят саналади[13]. Маҳалладан, қишлоқдан вақтинча ёки доимий яшаш учун бошқа ҳудудга кетган ўзбеклар, туғилиб ўсган ҳудудига борганда жанозага қатнашолмаган фотиҳали уйларга кириб кўнгили сўраши ва бу жараёнга фарзандини ҳам ҳамроҳ қилиб олиши одатий ҳолат саналади[13]. Бу ҳам ўзбекларда тарбия усулининг ўрнатилган олиш шаклидаги кўринишидир.

Бугунги кунда кечаётган динамик этноижтимоий жараёнлар шароитида миллий ва диний қадриятларнинг трансформацияси, шунингдек, уларнинг янги шакл ва мазмунда намоён бўлиш хусусиятларини илмий жиҳатдан чуқур ва комплекс ёндашув асосида тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, яқин тарихда турли сиёсий ва ижтимоий омиллар таъсирида аҳолининг ҳудудий кўчиши, этник аралашув ва маданий ассимиляция жараёнлари анъанавий маросимларнинг шаклланиши ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шу нуқтаи назардан, республикаимизнинг баъзи ҳудудларида кузатиладиган “авлодлар учрашуви” каби локал маросимлар нафақат маданий мерос намунаси, балки ижтимоий муносабатларни мустаҳкамловчи ва авлодлар ўртасидаги маънавий боғлиқликни таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Юртимизнинг марказий ҳудуди бўлган Жиззах воҳаси ҳам қадимдан турли элат ва миллат вакиллари истиқомат қилиб келган ўзига хос микроэтнографик макон ҳисобланади. Воҳа ҳудуди турли тарихий даврларда Бухоро ва Қўқон хонликлари таркибига ўтиб туриши, миллий ҳудудий давлат чегараланиши,

жаоалашлаштириш ва чўлларни ўзлаштириш сиёсати ёки бошқа омиллар натижасида кўшни ҳудудлар билан ассимиляцияга учраган ва аҳоли бошқа вилоятлар ва кўшни республикаларга кўчирилиши фаол кечган.

Биз фикр юритаётган “авлодлар учрашуви” маросимига хос жиҳатлардан бири ҳам айнан турли сабабларга кўра бошқа ҳудудларга кўчиб кетган кишиларнинг оилавий тарзда (ёш авлод вакилларининг қатнашиши мунтазам кузатилади) ўзларининг ота-боболари муқим яшаган ҳудудларга бир вақтда ташриф буюриши ва учрашув чоғида турли миллий ва диний маросимларни бажаришидир. Бу маросимларни асосан Шароф Рашидов тумани Кулписар ота зиёратгоҳида қозоқ миллати вакиллари, Фориш тумани Ҳазрати Эшону Халифа ва Ҳазрати Зайнулобиддин зиёратгоҳларида тожик миллати вакиллари ҳамда Бахмал туманидаги Моргузар ота зиёратгоҳида қирғиз миллати вакиллари томонидан ҳар йили 8 – 10 май кунлари оралиғида ўтказилади.

Маросимда аввалги йилги келишув асосида танланган киши томонидан иштирокчиларнинг сонига қараб қорамол ёки бир нечта кўй ва эчкилар қурбонлик қилинади. Маросимни ўтказиш жараёнининг муҳим қисмларидан бири – ёши катталар билан бир қанча оилавий масалаларни келишиб олинишидир[14]. Яъни ташриф буюрувчилар ўзаро маслаҳатлашиб, бир-бирларининг муаммолари, қийинчиликларининг ечими ва хурсандчилик кунларини ташкил қилиш борасида фикр алмашишади. Маросим охирида ўтганлар руҳига Қуръон тиловат қилиниб, келтирилган ортиқча маҳсулотлар эҳсон қилинади.

Эътиборли жиҳати шундаки, йиллар давомида учрашувни ташкил қилиш ва маросимларни ўтказиш борасида ўзига хос анъана шаклланган бўлиб, айрим жараёнлар зиёратгоҳларда ўтказиладиган маросимлар билан омукталлашиб кетган. Айнан бу тадбирларда ҳам зиёратгоҳларни жамоавий тарзда муқадаслаштирилган ва барча учун энг сакрал ҳудуд бўлганлиги боис, ушбу муқаддас масканда кишилар қадим урф-одатларини биргаликда ўзаро жамоавий тарзда ташкил этишади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, “авлодлар учрашуви” маросими тарихий миграция ва этник аралашув натижасида шаклланган бўлиб, уларда анъанавий диний амаллар, оилавий муносабатлар ва жамоавий ҳамжиҳатлик уйғунлашган ҳолда намоён бўлади. Ушбу маросимлар орқали нафақат зиёрат ва ибодат амалга оширилади, балки ижтимоий муаммоларни биргаликда ҳал этиш, оилавий алоқаларни мустаҳкамлаш ва авлодлар ўртасидаги маънавий меросни узатиш функцияси ҳам бажарилади. Шу жиҳатдан, мазкур маросимларни замонавий шароитда шаклланган, аммо анъанавий диний ва миллий қадриятларга асосланган янги типдаги ижтимоий-маданий феномен сифатида баҳолаш мумкин.

Афсуски, глобаллашувнинг мураккаб, салбий жиҳати ахборот алмашинувининг тезкорлиги жамият маданиятига, маънавиятига, ахлоқ меъёрларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, бу даврнинг долзарб муаммоси бўлган “оммавий маданият” ёшлар маънавиятини ачинарли аҳволга олиб келмоқда. Бир давлатда пайдо булган ғоялар хоҳ у ижобий бўлсин, хоҳ салбий шиддат билан бошқа давлатларга ёйилмоқда ва ўз таъсирини кўрсатмоқда[2]. Бундай мураккаб глобал ахборот муҳити шароитида миллий ва диний тарбия тизимининг аҳамияти янада ортиб, унинг заифлашуви эса ёшлар маънавиятида бўшлиқни юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бир қаторда, шахсий мақсадлар ва оилавий омиллар таъсирида миллий ва диний тарбия айрим ўзгаришлар ҳамда қисман унутишлар шаклида бўлса-да, жамиятда тўлиқ йўқолиб кетмаганини қайд этиш жоиз. Бироқ мазкур қадриятларнинг узлуксизлигини сақлаш ва уларнинг тадрижий ривожланишини таъминлаш умуммиллий саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

Глобаллашув шароитида ҳам миллий тарбия ўз аҳамиятини йўқотмаётганининг муайян сабаблари мавжуд. Жумладан, ўзбек жамиятида жамоа орасида яхши ном қозониш ва маҳаллада обрў-эътиборни сақлашга интилиш руҳияти юқори даражада шаклланган. Шу боис, бир томондан, жамоавий маросимларни катта тажрибага эга ва анъаналарни яхши билладиган шахслар томонидан бошқарилиши, иккинчи томондан эса, жамоа ичида муносиб

ўрин эгаллашга интилиш омиллари натижасида мазкур маросимларда тарбиявий жиҳатлар нисбатан барқарор сақланмоқда.

Айниқса, мотам маросимларидаги тарбиявий жиҳатларнинг деярли ўзгаришсиз сақланиб қолаётгани диққатга сазовор. Бу ҳолат, асосан, уларнинг миллий маданий омиллардан кўра, қатъий белгиланган диний қоидалар ва амалларга таянилгани билан изоҳланади.

4.Хулосалар:

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ўзбек халқига хос миллий ва диний тарбия усуллари ҳамда шакллари тарихий жиҳатдан барқарор ва мустаҳкам асосга эга. Шарқ халқларига хос бўлган жамоавийлик тамойили доирасида ўзбек жамиятида ҳам ижтимоий муносабатлар, асосан, жамоа томонидан шаклантирилган меъёр ва қадриятлар асосида тартибга солинади. Мазкур меъёрлар эса шахсда миллий тарбия ва диний дунёқарашнинг шаклланишида ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлади. Ота-оналар томонидан фарзандларнинг келажак ижтимоий мақомини (куёв ёки келин сифатидаги ўрнини) инobatга олган ҳолда уларни миллий ва диний қадриятлар асосида тарбиялашга интилиш ҳам ушбу жараённинг узлуксизлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, замонавий жамият шароитида тарбия усуллари ва шакллари бир маромда кечмаслиги, айрим трансформацияларга учрашига қарамасдан, уларнинг сақланиб қолиши миллатнинг ижтимоий-маданий барқарорлиги ва яшовчанлигини ифода этади. Шу нуқтаи назардан, миллий ва диний тарбия тизимини қўллаб-қувватлаш, унинг замонавий ахборот маконидаги ифодасини кучайтириш, хусусан, ижтимоий тармоқлар ва рақамли платформалар орқали сифатли ва ишончли миллий контентларни яратиш ҳамда кенг тарғиб қилиш бугунги кунда долзарб илмий-амалий вазифалардан бири сифатида аҳамият касб этади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1.Абдурауф Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. – Тошкент: Маънавият, 2000. 8-бет. (Fitrat, Abdurauf. Family or Rules of Family Management. – Tashkent: Ma'naviyat, 2000. – p. 8.)

2.Асланов Д., Маназаров С. Глобаллашув жараёнининг мазмуни ва кўлами // Academic research in educational sciences. – 2020. – № 1. – Б.453 (Aslanov, D., Manazarov, S. The essence and scope of globalization processes // Academic Research in Educational Sciences. – 2020. – No. 1. – p. 453.)

3.Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Тошкент: 2007,73-б. (Ashirov, A. Ancient Beliefs and Rituals of the Uzbek People. – Tashkent: National Library of Uzbekistan named after Alisher Navoi, 2007. – p. 73.)

4.Аширов А. Ўзбек халқининг турар жойлар билан боғлиқ урф одатларида диний эътиқодлар симбиози // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2007. – № 3. – Б. 56-65.; Давлатова С. Қашақадарё воҳаси ўзбеклари анъанавий кийимларининг трансформацияси: т.ф.н. учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2006. – 264-бет.; Ибрагимова М. Сурхондарё воҳаси аҳолисининг анъанавий кийимлари ва тақинчоқлари: т.ф.н. учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2004. – 147-бет.; Қурбонов А. Шимолий сурхон воҳаси аҳолиси анъанавий маданиятининг этник ва локал хусусиятлари (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми): т.ф.н. учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2009. – 200-бет.; Хўжахонова И. Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси анъанавий турар жойларининг этнохудудий хусусиятлари (XIX аср охири – XX аср бошлари): т.ф.н. учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2007. – 182-бет.; Аширов А. Ўзбек маданиятида сув. – Т.: Akademyashr, 2020. - Б 187; Буриев О., Холиқов Д. Оилада дафн ва таъзия билан боғлиқ урф-одатлар ва маросимлар. Т. 2002. (Ashirov, A. The symbiosis of religious beliefs in traditional housing-related customs of the Uzbek people // History of Uzbekistan. – Tashkent, 2007. – No. 3. – pp. 56–65; Davlatova, S. Transformation of traditional clothing of Uzbeks in Kashkadarya oasis:

PhD dissertation. – Tashkent, 2006. – 264 p.; Ibragimova, M. Traditional clothing and jewelry of the population of Surkhandarya oasis: PhD dissertation. – Tashkent, 2004. – 147 p.; Qurbonov, A. Ethnic and local features of traditional culture of the population of Northern Surkhandarya oasis (late 19th – early 20th century): PhD dissertation. – Tashkent, 2009. – 200 p.; Khojakhonova, I. Ethno-territorial features of traditional dwellings of rural population of the Fergana Valley (late 19th – early 20th century): PhD dissertation. – Tashkent, 2007. – 182 p.; Ashirov, A. Water in Uzbek Culture. – Tashkent: Akademnashr, 2020. – p. 187; Buriev, O., Kholiqov, D. Customs and rituals related to burial and mourning in the family. – Tashkent, 2002)

5. Ашулин А. Хотин-кизлар уртасида динга карши ташвикот. - Самарканд-Тошкент, 1929; Жураев Ё. Ислом, хотин-кизлар, фольклор. – Тошкент: Фан, 1962. –27-бет; Пулатов Ф. Ўтқиқотлар кураши. – Тошкент, 1964; Насриддинова Ё. Ўзбек хотин кизлари. – Тошкент: Ўзбекистон.1965. 204-бет; Жабборова М, Омуродова Т. Исломнинг ва совет ҳуқуқининг оила, никоҳ масалаларига муносабати. – Т., 1977.; Нуруллаева М. Совет Шарқи хотин кизларини озод қилиш тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978.– 39-бет.; Ҳасанов А. Янги урф-одатлар ва атеистик тарбия. – Т.: Ўзбекистон, 1984. – Б. 104; Абдурасулева Т. Ислом дини ва ўзбек хотин кизлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – 24-бет. (Ashulin, A. Anti-religious propaganda among women. – Samarkand–Tashkent, 1929; Juraev, Yo. Islam, women, folklore. – Tashkent: Fan, 1962. – p. 27; Pulatov, F. Struggle of beliefs. – Tashkent, 1964; Nasriddinova, Yo. Uzbek women. – Tashkent: Uzbekistan, 1965. – 204 p.; Jabborova, M., Omurodova, T. The attitude of Islam and Soviet law to family and marriage issues. – Tashkent, 1977; Nurullaeva, M. From the history of emancipation of women in Soviet East. – Tashkent: Uzbekistan, 1978. – p. 39; Hasanov, A. New customs and atheist education. – Tashkent: Uzbekistan, 1984. – p. 104; Abdurasuleva, T. Islam and Uzbek women. – Tashkent: Uzbekistan, 1986. – p. 24.)

6. Аъзамов А. Тарбия ва миллий тарбия тушунчаларининг мазмун-моҳияти // Central Asian journal of multidisciplinary research and management studies. – 2024. – № 2. –Б. 223 (A'zamov, A. The essence of the concepts of upbringing and national upbringing // Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – No. 2. – p. 223.)

7. Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. 97-бет. (Buriev, O., Shoimardonov, I., Nasriddinov, Q. From the History of the Uzbek Family. – Tashkent: O'qituvchi, 1995. – p. 97.)

8. Воронина В. Узбекское народное жилище // Советская этнография. 1949, № 2. – 59-85 стр.; Снесарев Г. Семья и семейный обряды у народов Средней Азии И Казахстана. – Москва: Наука, 1978. – 215-стр.; Жабборов И.М. Турмуш тарзи, урф-одат ва одоб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1983. – 112 б. (Voronina, V. Uzbek traditional dwelling // Soviet Ethnography. – 1949. – No. 2. – pp. 59–85; Snesarev, G. Family and family rituals among the peoples of Central Asia and Kazakhstan. – Moscow: Nauka, 1978. – 215 p.; Jabborov, I. Lifestyle, customs and etiquette. – Tashkent: Uzbekistan, 1983. – 112 p.)

9. Дала тадқиқотлари. Жиззах ва Самарканд вилоятлари. 2021 йил. (Field research. Jizzakh and Samarkand regions. – 2021.)

10. Дала тадқиқотлари. Жиззах вилояти туманлари. 2023-2025 йиллар. (Field research. Districts of Jizzakh region. – 2023–2025.)

11. Дала тадқиқотлари. Самарканд вилояти Тайлоқ ва Ургут туманлари. 2023-2025 йиллар. (Field research. Tayloq and Urgut districts of Samarkand region. – 2023–2025.)

12. Дала тадқиқотлари. Самарканд вилояти Ургут тумани. 2021 йил. (Field research. Urgut district of Samarkand region. – 2021.)

13. Дала тадқиқотлари. Жиззах ва Самарканд вилоятлари. 2023-2025 йиллар. (Field research. Jizzakh and Samarkand regions. – 2023–2025.)

14. Дала тадқиқотлари. Ш.Рашидов тумани Кулписар ота, Фориш тумани Ҳазрати Эшону Халифа ва Ҳазрати Зайнулобиддин, Бахмал тумани Моргузар ота зиёратгоҳлари. 2021–2022 йиллар. (Field research. Pilgrimage sites: Qulpisar ota (Sh. Rashidov district), Hazrati

Eshon Khalifa and Hazrati Zaynulobiddin (Forish district), Morguzar ota (Bakhmal district). – 2021–2022.)

15. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 2003. – 210-бет.; Зунунова Г. Материальная культура узбеков Ташкента: трансформация традиций (XX - начало XXI в.). – Тошкент: Extremum-press, 2013. – 320-бет.; Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Тошкент, 1996. – 143 б.; Худойшукуров О. ва бошқ. Ўзбек миллий таомлари. – Тошкент, 1995. – 95 бет.; Қорабоев У. Ўзбек халқ байрамлари. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 240 бет.; Исмоилов Х. Ўзбек тўйлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 189 б.; Жовлиев А. Анъаналар ҳаёт сабоғи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 95-бет.; Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Тошкент: Адолат, 2004. – 209-бет. (Jabborov, I. Uzbeks: Lifestyle and Culture. – Tashkent: O‘qituvchi, 2003. – 210 p.; Zununova, G. Material Culture of Uzbeks in Tashkent: Transformation of Traditions (20th – early 21st century). – Tashkent: Extremum-press, 2013. – 320 p.; Nasriddinov, Q. Uzbek funeral and mourning rituals. – Tashkent, 1996. – 143 p.; Khudoyshukurov, O. et al. Uzbek national cuisine. – Tashkent, 1995. – 95 p.; Qoraboev, U. Uzbek folk festivals. – Tashkent: Sharq, 2002. – 240 p.; Ismoilov, H. Uzbek weddings. – Tashkent: Uzbekistan, 1992. – 189 p.; Jovliev, A. Traditions as life lessons. – Tashkent: Uzbekistan, 1992. – 95 p.; Mahmud Sattor. Uzbek customs. – Tashkent: Adolat, 2004. – 209 p.)

16. Қуронон М. Миллий тарбия. – Тошкент, 2004. – 15-бет. (Quronov, M. National Upbringing. – Tashkent, 2004. – p. 15.)

17. Наркулов Д. ва бошқ. Глобаллашув шароитида тарихий-маданий меросни асраш масалалари // Central Asian journal of education and innovation. 2024. – № 3. – Б. 77 (Narkulov, D. et al. Issues of preserving historical and cultural heritage in the context of globalization // Central Asian Journal of Education and Innovation. – 2024. – No. 3. – p. 77.)

18. Отамуродов С. Тажовуздан сақланиш йўли // Тафаккур. – 2006. – №2. – Б. 14. (Otamurodov, S. Ways of protection from aggression // Tafakkur. – 2006. – No. 2. – p. 14.)

19. Убайдуллаева Б. Ўзбекларнинг бола тарбиясига доир анъаналари ва инновацион жараёнлар (хх асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошлари): т.ф.д. учун дисс. ... – Тошкент, 2018. – Б. 56. (Ubaydullaeva, B. Traditions and innovative processes in child upbringing among Uzbeks (second half of the 20th century – early 21st century): Doctoral dissertation. – Tashkent, 2018. – p. 56.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000